

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУРРАМОВ ЭЛЁР НАРЗУЛЛАЕВИЧ**

**АЛМАШИНГАН АНИЛИНЛАРНИНГ ГЛИКОЛ, ДИГЛИКОЛ ВА  
САЛИЦИЛ КИСЛОТАЛАР БИЛАН РЕАКЦИЯЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

**02.00.03 – Органик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
chemical sciences**

**Хуррамов Элёр Нарзуллаевич**

Алмашинган анилинларнинг гликол, дигликол ва салицил  
кислоталар билан реакцияларини ўрганиш.....3

**Хуррамов Элёр Нарзуллаевич**

Изучение реакций замещенных анилинов с гликолевой,  
дигликолевой и салициловой кислотами.....21

**Khurramov Elyor**

Investigation of the reactions of substituted anilines with glycolic,  
diglycolic and salicylic acids .....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУРРАМОВ ЭЛЁР НАРЗУЛЛАЕВИЧ**

**АЛМАШИНГАН АНИЛИНЛАРНИНГ ГЛИКОЛ, ДИГЛИКОЛ ВА  
САЛИЦИЛ КИСЛОТАЛАР БИЛАН РЕАКЦИЯЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

**02.00.03 – Органик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/К145 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.ik-kimyو.nuuz.uz](http://www.ik-kimyو.nuuz.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдушукуров Анвар Кабирович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Максумов Абдуҳамид Гафурович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Матчанов Алимжон Давлатбоевич**  
кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент Фармацевтика институти**

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (998 71) 227-12-24, факс (998 71) 246-53-21; 246-02-24. e-mail: [d.gafurova@nuu.uz](mailto:d.gafurova@nuu.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (998 71) 227-12-24, факс (998 71) 246-53-21; 246-02-24. e-mail: [chem0102@mail.ru](mailto:chem0102@mail.ru)).

Диссертация автореферати 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**З.А. Сманова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, к.ф.д., профессор

**Д.А. Гафурова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.ф.д.

**Т.С. Холиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси  
ўринбосари, к.ф.д., доцент

## **Кириш (фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё миқёсида фармацевтика соҳасида қўлланилаётган препаратларнинг асосини турли карбон кислоталарнинг алмашинган алкил- ва ариламидлари ташкил қилади. Карбон кислоталарнинг амид ҳосилалари асосида яллиғланишга қарши, оғриқ қолдирувчи, иситма туширувчи дори воситалари ва қишлоқ хўжалиги учун муҳим бўлган препаратлар яратилган. Бу препаратларнинг аналогларини яратиш ва уларни олиш усулларини такомиллаштириш кимё саноатида муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда карбон кислоталардан амид боғли бирикмалар синтез қилишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, ушбу реакциялар учун янги катализаторлар тавсия қилиш устида кўплаб тадқиқотлар жумладан, алифатик, ароматик, гетероҳалқали, бирламчи ва иккиламчи аминларнинг металл оксидлари, тузлари, металлокомплекс бирикмалар, нанокатализаторлар, азот ва фосфорли органик бирикмалар, борат эфирлар ва биокатализаторлар иштирокида карбон кислоталар билан N-ациллаш реакциялари олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим ва саноатни ривожлантиришнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш, шунингдек, маҳаллий хом ашё асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида табиий ва синтетик органик моддалар олиш бўйича муҳим натижаларга эришилмоқда. Мазкур изланишларда кислота амидлари асосидаги синтезлардан оксикарбон кислоталарнинг ароматик аминлар билан таъсирлашишининг дастлабки босқичида ҳосил бўладиган протонли аммоний тузлари тадқиқотларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу бирикмаларнинг синтез усулларини ишлаб чиқиш, тузилишини замонавий физик-кимёвий усуллар билан таҳлил қилиш ва уларнинг дегидратланиб амидга ўтиш шароитларини топиш бўйича тизимли изланишлар йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «Фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, оксикарбон кислоталар ва ароматик аминлар асосида тўртламчи аммоний тузлари ва кислота ариламидларининг муқобил синтези, тузилиши ва хоссаларининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, ҳамда таркибида янги фармакофор гуруҳлари бўлган биологик фаол моддаларни яратишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «Республикамизда 2019-2021 йилларда фармацевтика соҳасини жадал ривожлантиришнинг кейинги чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805 сон “Кимё ва биология йўналишларида

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ва 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884 сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида амидлар асосидаги изланишлар жадал олиб борилмоқда. Хусусан, хорижлик олимлар – A. Lemmerer, M. Oruganti, V. Andre, S. Jin, X. Wen, S.N. Adamovich, B.M. Ellingson, D. Antuganov, H. Asahara, M. Zeller, Q. Zhang, M.M. Aghayan, F. Tamaddon, Л.Я. Штейнберг, Н. Lundberg, B. Sreedhar, L. Cheng, H.W. Grimmel, N. Fattahi, E. Castillo, D. Manova, R. Irimescu, M. Funabashi, P. Tang, S.A. Ghorpade, N. Gernigon ва бошқалар карбон кислоталарнинг протонли аммоний тузлари, алкил- ва ариламидлари ҳамда уларни турли ҳосилаларининг синтези, модификацияси ҳамда биологик ва фармакологик фаолликларини ўрганиш билан шуғулланганлар. Республикамизда мазкур йўналиш ривожига И.П. Цукерваник, А.Р. Абдурасулева, Н.Г. Сидорова, Ҳ.Ю. Юлдашев, Қ.Н. Ахмедов, А.К. Абдушукуров ва бошқалар аминобирикмаларни ациллаш, хлорацетиллаш реакциялари асосида ацил- бирикмалар синтези ва кимёвий ўзгаришларини, биологик фаоллигини замонавий усулларда аниқлаш муаммоларини ҳал этишга катта ҳисса қўшганлар. Шунингдек, Ҳ.С. Тожимуҳамедов ва У.Ч. Ахмедовлар томонидан N,N-диэтилгидразиннинг алифатик, ароматик моно- ва дикарбон кислоталар билан реакциялари, N-протонланган тўртламчи аммоний тузлари ва амид боғи тутувчи бирикмалар синтез қилинган, реакцияларга тегишли қонуниятлар аниқланган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг № ФЗ-2017102476 «Изомер аминофенолларни хлорацетиллаш ва хлорацетил маҳсулотлар асосида биологик фаол моддалар синтез қилиш» (2018-2019 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** гликол, дигликол, салицил кислоталарнинг анилин ва баъзи алмашинган анилинлар билан реакцияларини систематик равишда ўрганиш, олинган маҳсулотларнинг тузилишини ва қўлланилиш соҳаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

гликол, дигликол ва салицил кислоталарнинг анилинлар билан протонли аммоний тузларини олишнинг энг қулай шароитларини аниқлаш;

аминларнинг N-протонланиши ва реакция тезлигига эритувчи табиатининг таъсирини назарий асослаш;

гликол, дигликол ва салицил кислоталарнинг ариламидлари синтезини амалга ошириш ва қулай шароитларини топиш;

кислота ариламидларининг ҳосил бўлиши билан борадиган реакцияларнинг боришига вақт, ҳарорат, катализатор ва эритувчи табиатининг таъсирини аниқлаш;

бошланғич реагентларнинг кислоталилик ва асослилик кучига боғлиқ ҳолда аминларнинг протонланиш ва тузларнинг дегидратланиш (кислота ва аминнинг конденсатланиши) жараёнлари боришини аниқлаш;

синтез қилинган амидларнинг биологик фаоллиги, фазовий ҳолати ва таутомериясини назарий ҳисоблашлар ва амалий таҳлил усуллари ёрдамида аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида гликол, дигликол, салицил кислоталар, анилин, толуидин ва анизидин изомерлари, *n*-броманилин ва улар асосида синтез қилинган маҳсулотлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** N-протонлаш, N-ациллаш,  $sp^2$ -гибридланган углерод атомида нуклеофил алмашилиш реакциялари, реакция маҳсулотларининг физик-кимёвий ва биологик хоссалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида нозик органик синтез, УБ-, ИҚ-,  $^1\text{H}$  ва  $^{13}\text{C}$  ЯМР-спектроскопия, рентген тузилиш таҳлили (РТТ), хроматография, квант-кимёвий ва биологик тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор гликол кислотанинг анилин ва баъзи алмашинган анилинлар билан тўртламчи аммоний тузлари протонли органик эритувчилар иштирокида синтез қилинган;

гликол кислотани анилинлар билан амидлаш реакцияларида сирка кислотаси каталитик фаолликни намоён қилиши аниқланган ва сирка кислотанинг каталитик фаоллигини ифодаловчи реакция механизми таклиф этилган;

илк бор оксикарбон кислоталарни анилинлар билан амидлаш реакцияларидан юқори унумлар билан кислота ариламидлари синтез қилинган ва ушбу жараёнда ортоборат кислотанинг каталитик фаоллиги аниқланган;

ортоборат кислота иштирокида салицил кислотанинг *n*-анизидин билан амид ҳосил бўлиш реакциясидан оралиқ маҳсулот ажратиб олинган ва рентген тузилиш таҳлили ёрдамида бу реакциялар оралиқ борли аммоний тузлар ҳосил бўлиши орқали бориши исботланган;

илк мартаба димер ҳолатидаги амидларнинг 2-гидрокси-N-(3-метилфенил)ацетамид мисолидаги гликол кислотаси ариламидлари, амид таутомер шаклида бўлиши амалий ва назарий таҳлил натижалари асосида аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

анилинларнинг гликол, дигликол ва салицил кислоталар билан аммоний тузлари юқори унум билан синтез қилинган;

гликол, дигликол, салицил кислоталарни анилин ва баъзи алмашинган анилинлар билан амидлаш реакциялари асосида янги кислота ариламидлари синтез қилинган;

анилинларнинг гликол кислота билан реакцияларида сирка кислота, дигликол ва салицил кислоталар билан реакцияларида эса ортоборат кислота фаол катализатор бўлиши аниқланган;

тадқиқотлар натижасида олинган 2-гидрокси-N-(3-метилфенил)бензамид ва 4-бромфениламмоний 2-(карбоксиметокси)ацетатнинг *Bacillus subtilis* граммусбат, *Pseudomonas aeruginosa* грамманфий бактерияларга қарши бактерицидлик, *Candida albicans* патоген замбуруғига қарши фунгицидлик фаолликларини намоён қилиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган хроматографик, физик-кимёвий усуллар - УБ-, ИҚ-, <sup>1</sup>H ва <sup>13</sup>C ЯМР-спектроскопия, рентген тузилиш таҳлили ва далолатномалар мавжудлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор тизимли тарзда гликол, дигликол, салицил кислоталарнинг анилин ва ҳосилалари билан протонли аммоний тузлари ва ариламидлари ҳосил бўлиш реакциялари амалга оширилганлиги, реакциянинг боришига таъсир қилувчи омилларнинг аниқланганлиги ва натижаларнинг қиёсий таҳлил қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти гликол, дигликол ва салицил кислоталарнинг анилинлар билан реакциялари натижасида 68 та моддалар синтез қилинганлиги ҳамда бирикмалар орасида юқори бактерицидлик, фунгицидлик фаолликка эга моддалар борлиги ва уларнинг кейинги амалий тадқиқотлар учун изланиш объекти бўла олиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Алмашинган анилинларнинг гликол, дигликол ва салицил кислоталар билан реакциялари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

2-метоксифениламмоний-2-гидроксиацетат, 2-гидрокси-N-(3-метилфенил)ацетамидларнинг рентген тузилиш таҳлили (РТТ) натижалари Кембридж кристаллографик маркази маълумотлар базасига киритилган (*Cambridge Crystallographic Data Centre*, нинг 2021 йил 26 январдаги 2058756, 2017145-сонли маълумотномалар). Натижада карбон кислота ҳосилалари таркибига кирувчи янги моддаларнинг тузилишини аниқлаш имконини берган;

2-гидрокси-N-(4-бромфенил)ацетамид ва 2-гидрокси-N-(3-метилфенил)-бензамид металл конструкцияларнинг биокоррозиясига қарши ингибитор сифатида “Муборак газни қайта ишлаш заводи” да амалиётга жорий этилган (“Муборак газни қайта ишлаш заводи” АЖ нинг 2020 йил 30 апрелдаги 471/ГК-04 сон маълумотномаси). Натижада ушбу биоингибиторлар металл конструкция ва қурилмаларининг эксплуатацион хоссаларини ошириш имконини берган;

дигликол кислотасининг ариламидлари синтези бўйича олинган натижалардан МУ-ФЗ-20171025111 рақамли “Карбон кислоталарни

виниллашнинг илмий асослари ва олинган бирикмаларнинг хоссалари” мавзусидаги лойиҳада моноариламидларни ацетилен иштирокида гомоген шароитда виниллаш реакцияларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 89-03-2338 сон маълумотномаси). Натижада карбон кислоталарнинг винил эфирларини самарали синтез қилиш усулини ишлаб чиқиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 2 та халқаро ва 12 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола республикада, 1 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Карбон кислоталар ва аминлар асосидаги синтезлар**» деб номланган **биринчи бобида** мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётларда протонли аммоний тузларининг синтези, тузилиши ва амалий аҳамияти ҳамда турли карбон кислоталарнинг алкил- ва ариламидларининг синтези, реакцияларнинг шароитлари, эритувчи ва қўлланилган катализатор табиатининг реакциялар йўналишларига таъсири каби маълумотлар таҳлили келтирилган. Маълумотлар умумлаштирилиб илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган ва улар асосида диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.

Диссертациянинг «**Гликол, дигликол ва салицил кислоталарнинг анилинлар билан реакциялари**» деб номланган **иккинчи бобида** олинган тадқиқот натижалари келтирилган.

*Гликол кислотанинг анилинлар билан тўртламчи аммоний тузларини олиш реакциялари*

Гликол кислотанинг хона ҳароратида кутбли органик эритувчиларда анилинлар билан таъсирлашишидан аминнинг N-протонланиши натижасида тўртламчи аммоний тузлари олинди (1-жадвал).



X = H; 2-CH<sub>3</sub>; 3- CH<sub>3</sub>; 4- CH<sub>3</sub>; 2-OCH<sub>3</sub>; 3-OCH<sub>3</sub>; 4-OCH<sub>3</sub>; 4-Br.

Этилацетат ва ацетон иштирокидаги реакцияларда идиш тубида куюк мойсимон массани ҳосил қилди.

1-жадвал

Гликол кислотанинг тузларини олиш реакцияларининг натижаси  
(гликол кислота : амин = 1:1)


Бошланғич амин	Маҳсулотлар унуми, %			Реакция маҳсулоти	
	этилацетат	ацетон	этанол	T <sub>c</sub> , °C	T.p.
анилин	-	-	88	82-83	<b>1</b>
<i>o</i> -толуидин	-	-	82	80-82	<b>2</b>
<i>m</i> -толуидин	-	-	90	65-67	<b>3</b>
<i>n</i> -толуидин	80,5	81	94	85-87	<b>4</b>
<i>o</i> -анизидин	-	-	85	80-82	<b>5</b>
<i>m</i> -анизидин	-	-	79	52-53	<b>6</b>
<i>n</i> -анизидин	82	82	96,5	92-94	<b>7</b>
<i>n</i> -броманилин	-	-	83	47-48	<b>8</b>


Натижалар гликол кислота анилинлар билан хона ҳароратида этанолда таъсирлашиб юқори унумлар билан тўртламчи аммоний тузларини (**1-8**) ҳосил қилишини кўрсатди. Этилацетат ва ацетонда эса асослилиги юқори бўлган *n*-толуидин ва *n*-анизидин билан тузлар (**4, 7**) ҳосил бўлган. Бу эса реакцияларнинг боришига эритувчининг таъсири борлигини кўрсатади.

Буни исботлаш учун реакцияларни протонли органик эритувчилар – метанол ва пропанол-2 иштирокида хона ҳароратида олиб борилганда аминларнинг асослилигига боғлиқ ҳолда метанолда 83-97%, пропанол-2 да 78-91% унумлар билан маҳсулотлар (**1-8**) ҳосил бўлди. Ушбу натижалар кучсиз аминларнинг протонланиши эритувчига боғлиқлигини кўрсатади.

4-Метилфениламмоний-2-гидроксиацетатнинг (**4**) ИҚ-спектри (KBr, ν, см<sup>-1</sup>): 2921, 2596 (+NH<sub>3</sub>), 2111 (+NH<sub>3</sub>), δ 1650 (+NH<sub>3</sub>), 1602 (COO<sup>-</sup>), 1319 (COO<sup>-</sup>), 3204 (OH), 1094 (C-O), 1602 (C=C аром. ҳалқа); <sup>1</sup>H ЯМР спектри (400 МГц, CCl<sub>4</sub>+ДМСО-*d*<sub>6</sub>, δ, м.у., J/Гц): 6.75 (2H, д, J= 8.3, H-3,5), 6.36 (2H, д, J= 8.9, H-2,6), 5.39 (3H, кс, NH<sub>3</sub>), 3.55 (2H, с, CH<sub>2</sub>), 2.14 (3H, с, CH<sub>3</sub>).


Олинган натижаларни таҳлил қилган ҳолда ариламмоний тузларининг ҳосил бўлишида протонли эритувчининг ролини қуйидагича кўрсатилди:





Таклиф қилинган реакция схемасига кўра ароматик аминларнинг протонланиб тўртламчи аммоний тузларини ҳосил қилишида эритувчининг сольватлаш хусусияти муҳим аҳамиятга эга бўлади.


*o*-Анизидиний гликолятнинг хона ҳароратида абсолют этанолда кристаллари олинди ва РТТ ёрдамида молекуласининг тузилиши тасдиқланди (1-расм).



1-Расм. 5-Модданинг фазовий тузилиши

#### Гликол кислотани анилинлар билан амидлаш реакциялари

Гликол кислотанинг анилинлар билан амид ҳосил қилиш реакциялари дастлаб органик эритувчиларда азеотроп ҳайдаш усулида Дин-Старк асбоби билан жиҳозланган колбада қиздириш орқали олиб борилди ва тегишли *N*-гидроксиацетил маҳсулотлар (**9-16**) синтез қилинди.



X = H; 2-CH<sub>3</sub>; 3- CH<sub>3</sub>; 4- CH<sub>3</sub>; 2-OCH<sub>3</sub>; 3-OCH<sub>3</sub>; 4-OCH<sub>3</sub>; 4-Br.

Реакцияларнинг давомийлиги Дин-Старк асбобида сувнинг ажралишини кузатиш орқали назорат қилиб борилди. Дастлабки 1, 2 соат давомида сувнинг ажралиши тез содир бўлган бўлса, 3 соатдан кейин жуда секинлик билан амалга ошиши кузатилди.


Фаоллиги кам бўлган ароматик аминлар билан маҳсулотлар унумининг юқори бўлмаганлиги сабабли реакцияларда сирка кислотасининг каталитик фаоллиги ўрганилди. 1,1:1 моль нисбатда гликол кислота ва амин, уларга нисбатан 5 моль нисбатда сирка кислотаси иштирокида бензол ва толуолда қиздирилган ҳолда олиб борилган реакциялардан юқори унумлар билан арилаמידлар (**9-16**) олинди (2-жадвал).

2-жадвал

Гликол кислотанинг арилаמידларини олиш реакцияларининг натижаси


Бошланғич амин	Маҳсулот унуми, %				Реакция маҳсулоти		
	бензол (80°C)		толуол (110°C)		Тс, °С	R <sub>f</sub>	Т.р.
	Кат-сиз	CH <sub>3</sub> COOH	Кат-сиз	CH <sub>3</sub> COOH			
анилин	51	72	68	85	81-83	0,66	<b>9</b>
<i>o</i> -толуидин	46	65	63	79	56-58	0,43	<b>10</b>
<i>m</i> -толуидин	54	73	72	86	66-67	0,16	<b>11</b>
<i>p</i> -толуидин	57	77	76	90	137-139	0,26	<b>12</b>
<i>o</i> -анизидин	47	67	65	81	94-96	0,21	<b>13</b>
<i>m</i> -анизидин	43	62	58	76	98-100	0,11	<b>14</b>
<i>p</i> -анизидин	59	81	79	94	93-85	0,29	<b>15</b>
<i>p</i> -броманилин	38	48	46	59	170-172	0,56	<b>16</b>

Реакцияларда сирка кислотанинг каталитик фаоллигини унинг сольватлаш хусусияти билан изоҳланади. Реакциялар кислотанинг карбонил углерод атомида нуклеофил алмашиниш механизмида боради.




2-Гидрокси-N-(*m*-толил)ацетамиднинг (**11**) ИҚ-спектрида (KBr,  $\nu$ ,  $\text{cm}^{-1}$ ): 3146 (NH), 1677 (C=O), 3199 (OH), 1266 (C-N), 1064 (C-O), 1618 (C=C аром. ҳалқа) гуруҳларининг ютилиш частоталари;  $^1\text{H}$  ЯМР спектрида (400 МГц,  $\text{CCl}_4 + \text{DMCO-d}_6$ ,  $\delta$ , м.у, J/Гц): 9.09 (1H, с, OH), 7.41 (1H, с, H-2), 7.36 (1H, д  $J=8.2$ , H-6), 7.05 (1H, т,  $J=7.8$ , H-5), 6.75 (1H, д,  $J=7.5$  H-4), 5.41 (1H, кс, NH), 3.88 (2H, с,  $\text{CH}_2$ ), 2.27, (3H, с, Ar- $\text{CH}_3$ ) протонларнинг сигналлари кузатилди.

**9-** ва **11-** моддаларнинг тузилиши РТТ билан тасдиқланди (2-3 расмлар).



**2-Расм. 9-**Модданинг фазовий тузилиши




**3-Расм. 11-**модданинг фазовий тузилиши

*Дигликол кислотанинг анилинлар билан тўртламчи аммоний тузларини олиш реакциялари*

Дигликол кислотасининг иккала карбоксил гуруҳининг фаоллигини ўрганиш ва солиштириш мақсадида анилинлар билан реакцияларни 1:1 ва 1:2 моль нисбатларида олиб борилди ва олинган натижалар таққосланди.

Дигликол кислотанинг анилинлар билан 1:1 моль нисбатда хона хароратида таъсирлашишидан моноаммоний тузлари (**17-24**) олинди.



X = H; 2- $\text{CH}_3$ ; 3- $\text{CH}_3$ ; 4- $\text{CH}_3$ ; 2- $\text{OCH}_3$ ; 3- $\text{OCH}_3$ ; 4- $\text{OCH}_3$ ; 4-Br.

Аксарият аминларнинг протонланиши 1-2 дақиқа давом этган бўлса, фаоллиги кам бўлган *n*-броманилин билан жараён 30 дақиқа давом этди (3-жадвал).

Дигликол кислотанинг моноаммоний тузларини олиш реакцияларининг натижаси  
(дигликол кислота : амин = 1 : 1)


Бошланғич амин	Маҳсулотлар унуми, %			Реакция маҳсулоти	
	этилацетат	ацетон	этанол	T <sub>c</sub> , °C	T.р.
анилин	95	96	97	107-109	<b>17</b>
<i>o</i> -толуидин	94	96	96	137-139	<b>18</b>
<i>m</i> -толуидин	96	97	97	103-105	<b>19</b>
<i>n</i> -толуидин	98	99	99	154-156	<b>20</b>
<i>o</i> -анизидин	94	95	96	97-99	<b>21</b>
<i>m</i> -анизидин	93	95	95	113-115	<b>22</b>
<i>n</i> -анизидин	98	99	99	121-123	<b>23</b>
<i>n</i> -броманилин	93	94	94	129-131	<b>24</b>

Реакциялар учун танланган эритувчилар – этилацетат, ацетон, этанолда бирдек юқори унум билан маҳсулотлар ҳосил бўлганлигини дигликол кислотанинг кислоталилик кучи (pK<sub>1</sub>) юқорилиги билан изоҳланди.

Дигликол кислотанинг моноаммоний тузларини олишнинг муқобил усулини топиш мақсадида бензол, толуол, *o*-ксилолларда қиздирилган ҳолда реакциялар ўрганилди. Реагентлар 1:1 моль нисбатда аралаштириб турилган ҳолда секинлик билан қиздирилганда (15 дақиқа) аминларнинг асослигига боғлиқ ҳолда толуолда 95-99%, *o*-ксилолда 96-99% унумлар билан маҳсулотлар (**17-24**) ҳосил бўлди, бензолда дигликол кислота қиздирилганда ҳам яхши эримаганлиги сабабли протонланиш жуда паст унум билан борди.

4-Метоксифениламмоний 2-(карбоксиметокси)ацетатнинг (**23**) ИҚ-спектри (KBr, ν, см<sup>-1</sup>): 2920, 2643 (+NH<sub>3</sub>), 2122 (+NH<sub>3</sub>), δ 1682 (+NH<sub>3</sub>), 1632 (COO<sup>-</sup>), 1395 (COO<sup>-</sup>), 3445 (OH), 1136 (C-O), 1620 (C=C аром. ҳалқа), 2972 (OCH<sub>3</sub>). <sup>1</sup>H ЯМР спектри (400 МГц, CD<sub>3</sub>COOD, δ, м.у., J/Гц): 7.34 (2H, д, J= 8.9, H-3,5), 6.91 (2H, д, J= 8.9, H-2,6), 4.18 (4H, с, 2xCH<sub>2</sub>), 3.73 (3H, с, OCH<sub>3</sub>).

Дигликол кислотанинг анилинлар билан 1:2 моль нисбатдаги хона ҳароратидаги реакцияларидан диаммоний тузлари (**25-32**) олинди. Таъкидлаш керакки, бунда гликол кислота билан бўлгани каби реакция аралашмаси 4-6 кун давомида очик идишда хона ҳароратида қолдирилди.



X = H; 2-CH<sub>3</sub>; 3-CH<sub>3</sub>; 4-CH<sub>3</sub>; 2-OCH<sub>3</sub>; 3-OCH<sub>3</sub>; 4-OCH<sub>3</sub>; 4-Br.

Хона ҳароратида диаммонийли тузларни олиш протонли эритувчилар иштирокида олиб борилган бўлиб, апротон эритувчилар – этилацетат ва ацетон иштирокидаги реакциялардан маҳсулотларни олишга эришилмади. Ушбу натижалар гликол кислотасининг анилинлар билан протонланиш реакцияларидан аниқланган қонуниятга мос келади. Яъни, дигликол кислота билан биринчи босқичда ҳосил бўладиган моноаммонийли тузларда иккинчи карбоксил гуруҳининг фаоллиги паст бўлиб у билан хона ҳароратида

протонланиш жараёни протонли органик эритувчи иштирокида боради (4-жадвал).

4-жадвал

Дигликол кислотанинг диаммоний тузларини олиш реакцияларининг натижаси (дигликол кислота : амин = 1 : 2)


Бошланғич амин	Маҳсулотлар унуми, %			Реакция маҳсулоти	
	метанол	этанол	пропанол-2	T <sub>c</sub> , °C	T.р.
анилин	84	83	81	154-156	<b>25</b>
<i>o</i> -толуидин	79	78	76	122-124	<b>26</b>
<i>m</i> -толуидин	87	86	84	119-121	<b>27</b>
<i>n</i> -толуидин	92	91	89	165-167	<b>28</b>
<i>o</i> -анизидин	86	84	82	88-90	<b>29</b>
<i>m</i> -анизидин	78	78	76	126-128	<b>30</b>
<i>n</i> -анизидин	93	92	90	154-156	<b>31</b>
<i>n</i> -броманилин	77	76	74	135-137	<b>32</b>

Маҳсулотлар унумининг моноаммонийли тузларнинг ҳосил бўлиш унумларидан пастрок эканлиги дигликол кислотанинг биринчи карбоксил гуруҳи депротонлангандан кейин иккинчи карбоксил гуруҳининг фаоллиги камайиши билан тушунтириш мумкин.

Анилинларнинг дигликол кислота билан 1:2 моль нисбатда протонланиш реакциялари толуол ва *o*-ксиллда қиздириб олиб борилди. Хона ҳароратидаги реакциялардан фарқли равишда маҳсулотлар юқори унумлар билан (толуолда 93-99%, *o*-ксиллда 94-99%) ҳосил бўлиши кузатилди. Бу натижани ҳароратнинг ортиши аминларнинг N-протонланиш жараёнини осонлаштириши билан изоҳланди.

#### Дигликол кислотани анилинлар билан амидлаш реакциялари

Дигликол кислотанинг моно- ва диариламидларини олиш реакциялари ортоборат кислота иштирокида олиб борилди. Моноариламидлар олишнинг оптимал шароитларини аниқлаб олиш мақсадида дастлаб дигликол кислота : *p*-толуидин : ортоборат кислотанинг 1 : 1,1 : 0,5; 1 : 1,1 : 0,25; 1 : 1,1 : 0,125 моль нисбатларида толуол ва *o*-ксиллда 3, 5, 7 соат давомида қиздирилган ҳолда реакциялари олиб борилди. Натижалар реагентларни 1 : 1,1 : 0,25 моль нисбатда 5 соат қиздириш энг қулай шароит эканлигини кўрсатди (5-жадвал).



X = H; 2-CH<sub>3</sub>; 3-CH<sub>3</sub>; 4-CH<sub>3</sub>; 2-OCH<sub>3</sub>; 3-OCH<sub>3</sub>; 4-OCH<sub>3</sub>; 4-Br.

Олинган маҳсулотларнинг ЮҚХ сида диамид маҳсулотларнинг излари мавжуд бўлиб, улар жуда кам миқдорда ҳосил бўлганлиги сабабли асосий маҳсулотнинг унумига таъсир кўрсатмайди.


2-((4-Бромфенилкарбомоил)метокси)сирка кислотанинг (**40**) <sup>1</sup>H ЯМР спектрида (400 МГц, CD<sub>3</sub>COOD, δ, м.у., J/Гц): 7.55 (2H, д, J= 8.0, H-3,5), 7.42 (2H, д, J= 8.0, H-2,6), 4.31 (4H, с, 2xCH<sub>2</sub>) протонлар сигналлари кузатилди.

Дигликол кислотаси моноариламидларини олиш реакцияларининг натижаси  
(реакция давомийлиги 5 соат)

Бошланғич амин	Моль нисбатлар*	Маҳсулотлар унуми, %		Реакция маҳсулотли		
		толуол (80 °C)	o-ксилол (144 °C)	T <sub>c</sub> , °C	R <sub>f</sub>	T.p.
анилин	1 : 1,1 : 0,25	55	76	143-145	0,15	<b>33</b>
o-толуидин	1 : 1,1 : 0,25	52	69	152-154	0,13	<b>34</b>
m-толуидин	1 : 1,1 : 0,25	58	80	135-137	0,14	<b>35</b>
n-толуидин	1 : 1,1 : 0,25	65	86	169-170	0,12	<b>36</b>
o-анизидин	1 : 1,1 : 0,25	54	74	130-132	0,14	<b>37</b>
m-анизидин	1 : 1,1 : 0,25	47	63	118-120	0,17	<b>38</b>
n-анизидин	1 : 1,1 : 0,25	68	90	158-160	0,11	<b>39</b>
n-броманилин	1 : 1,1 : 0,25	45	61	123-125	0,12	<b>40</b>

\*Дигликол кислота : амин : ортоборат кислота.

Ортоборат кислотанинг каталитик фаоллиги унинг карбон кислота билан таъсирлашиб циклик аралаш эфир ҳосил қилиб карбонил углерод атомининг  $\delta^+$  қийматини ошириши, бунинг натижасида амин азотининг нуклеофил ҳужуми осонлашишини таъминлаб бериши билан изоҳланади.



Реакциянинг охирида ажралиб чиққан ортоборат кислота каталитик фаоллигини йўқотмаган ҳолда кейинги каталитик цикллarda иштирок этади.

Дигликол кислотанинг анилинлар билан 1 : 2,2 : 0,5 моль нисбатида олиб борилган реакциялардан (10 соат) диариламидлар (**41-48**) олинди (6-жадвал).


6-жадвал

Дигликол кислотанинг диариламидларини олиш реакцияларининг натижаси  
(реакция давомийлиги 10 соат)

Бошланғич амин	Реагентлар моль нисбати*	Маҳсулот унуми, %		Реакция маҳсулотли		
		толуол (80 °C)	o-ксилол (144 °C)	T <sub>c</sub> , °C	R <sub>f</sub>	T.p.
анилин	1 : 2,2 : 0,5	50	68	160-162	0,58	<b>41</b>
o-толуидин	1 : 2,2 : 0,5	45	61	172-174	0,46	<b>42</b>
m-толуидин	1 : 2,2 : 0,5	51	70	159-161	0,62	<b>43</b>
n-толуидин	1 : 2,2 : 0,5	69	77	190-192	0,36	<b>44</b>
o-анизидин	1 : 2,2 : 0,5	50	66	145-147	0,60	<b>45</b>
m-анизидин	1 : 2,2 : 0,5	42	57	153-155	0,52	<b>46</b>
n-анизидин	1 : 2,2 : 0,5	72	81	165-167	0,55	<b>47</b>
n-броманилин	1 : 2,2 : 0,5	40	55	193-195	0,41	<b>48</b>

\*Дигликол кислота : амин : ортоборат кислота.

2,2'-Оксибис-N-(4-бромфенил)ацетамиднинг (**48**) ИҚ-спектрида (KBr,  $\nu$ ,  $\text{cm}^{-1}$ ): 3242 (NH), 1666 (C=O), 2896, 2827 (-CH<sub>2</sub>-), 1142 (C-O), 1262 (C-N) 1614 (C=C аром. халқа) гуруҳларининг ютилиш частоталари кузатилди.




X = H; 2-CH<sub>3</sub>; 3-CH<sub>3</sub>; 4-CH<sub>3</sub>; 2-OCH<sub>3</sub>; 3-OCH<sub>3</sub>; 4-OCH<sub>3</sub>; 4-Br.

Асосий маҳсулот унга қўшимча сифатида кам миқдорда ҳосил бўладиган моноамиддан ишқорнинг сувли эритмаси билан ювиб тозаланди.

*Салицил кислотанинг анилинлар билан тўртламчи аммоний тузларини олиш реакциялари*

Салицил кислотанинг анилинлар билан хона ҳароратидаги реакциялари апротон эритувчилар – этилацетат, ацетон ва протон эритувчи – этанол иштирокида олиб борилган бўлиб, барча эритувчиларда юқори унум билан аминларнинг N-протонланиш маҳсулотлари (**49-56**) ҳосил бўлди (7-жадвал).



X = H; 2-CH<sub>3</sub>; 3-CH<sub>3</sub>; 4-CH<sub>3</sub>; 2-OCH<sub>3</sub>; 3-OCH<sub>3</sub>; 4-OCH<sub>3</sub>; 4-Br.


7-жадвал

Салицил кислотаси тузларини олиш реакцияларининг натижаси

Бошланғич амин	Реагентлар моль нисбати	Маҳсулотлар унуми, %			Реакция маҳсулоти	
		этилацетат	ацетон	этанол	T <sub>c</sub> , °C	T.р.
анилин	1 : 1	91	92	92	86-88	<b>49</b>
o-толуидин	1 : 1	88	88	90	101-103	<b>50</b>
m-толуидин	1 : 1	92	93	93	79-81	<b>51</b>
n-толуидин	1 : 1	93	94	95	76-78	<b>52</b>
o-анизидин	1 : 1	90	90	91	83-85	<b>53</b>
m-анизидин	1 : 1	87	89	89	70-72	<b>54</b>
n-анизидин	1 : 1	94	94	96	106-108	<b>55</b>
n-броманилин	1 : 1	84	85	86	119-121	<b>56</b>

Тадқиқотлар доирасини кенгайтириш ва олинган натижаларни таққослаш мақсадида кутбсиз органик эритувчиларда қиздириш (80°C да 15 дақиқа) билан реакциялар олиб борилганда барча эритувчилар иштирокида юқори унумлар билан маҳсулотлар (**49-56**) олишга эришилди. Бунда аминларнинг асослилигига боғлиқ ҳолда маҳсулотлар унуми бензолда 91-98%, толуолда 93-99%, o-ксилолда 93-99% ни ташкил қилди.

**55**-модданинг ацетонда хона ҳароратида кристаллари олинди ва молекуласининг тузилиши РТТ ёрдамида тасдиқланди (4-расм).




**4-Расм.** 55-Модданинг фазовий тузилиши

3-Метилфениламмоний-2-гидроксибензоатнинг (**51**) <sup>1</sup>H ЯМР спектри (400 МГц, CD<sub>3</sub>COOD, δ, м.у., J/Гц): 7.87 (1H, дд, J = 7.9, 1.7, H-6), 7.43 (1H,

с., Н-2`), 7.39 (1Н, д.,  $J = 8.0$ , Н-6`), 7.25 (1Н, дд,  $J = 8.4, 7.3, 1.7$ , Н-4), 7.18 (1Н, т,  $J = 7.8$ , Н-5`), 7.12 (1Н, к.д.,  $J = 7.5$ , Н-4`), 6.88 (1Н, т.д,  $J = 8.2, 1.2$ , Н-5), 6.83 (1Н, д,  $J = 7.2$ , Н-3), 2.27 (3Н, с, Н-7`).


*Салицил кислотани анилинлар билан амидлаш реакциялари*

Салицил кислотанинг анилинлар билан амид ҳосил бўлиш реакциялари ортоборат кислота иштирокида (0,5 моль нисбатда) кутбсиз органик эритувчининг қайнаш ҳароратида олиб борилганда асослиги нисбатан пастроқ бўлган анилин, *m*-толуидин, *m*-анизидин, *n*-броманилинлар билан амид ҳосилалар (**57-60**) олинган бўлса, аксинча асослиги юқори бўлган *o*-, *n*-толуидин ва *o*-, *n*-анизидин билан реакциялардан таркибида амид фрагменти мавжуд бўлмаган маҳсулотлар (**61-64**) ҳосил бўлди.




X = H; 3-CH<sub>3</sub>; 3-OCH<sub>3</sub>; 4-Br.

**61-64** моддалар салицил кислотанинг амидлари эмаслиги уларни қайта кристаллаб тозалаш жараёнида маълум бўлди. *n*-Анизидин билан реакция маҳсулотининг сув-спирт аралашмасидан қайта кристаллашда ҳосил бўлган кристалларни (**64**) РТТ ёрдамида ўрганилганда қуйидаги бирикма ҳосил бўлганлигини кўрсатди (5-расм).



**5-Расм. 64**-Модданинг фазовий тузилиши


Демак салицил кислотанинг *o*-, *n*-толуидин ва *o*-, *n*-анизидинлар билан реакцияларидан қуйидаги схема бўйича маҳсулотлар (**61-64**) ҳосил бўлади.




Бу бирикмалар (**61-64**) реакцияларнинг оралиқ маҳсулотлари бўлиб, уларнинг энергетик жиҳатдан барқарорлиги реакциянинг кейинги босқичига ўтишига қийинчилик туғдиради.

Тажриба натижалари ва маҳсулотлар тузилишининг таҳлиллари асосида реакциянинг барча оралиқ босқичлари ўрганилди ва қуйидаги реакция механизми таклиф қилинди:

1. Борли комплекс тузнинг ҳосил бўлиши:



## 2. Оралиқ туздан амиднинг ҳосил бўлиши.



Асослиги юқори бўлган аминларнинг тўртламчи тузлари барқарор бўлиши назарий маълумотларга мос келади. Аммо маълум шароитда уларнинг ҳам дегидратланишини амалга ошириш мумкин. Шунга кўра реакцияларни юқори ҳароратда қайнайдиغان *n*-деканда олиб борилганда барча аминлар билан амид ҳосилалар олишга эришилди (8-жадвал).

Салицил кислотаси арилаидларини олиш реакцияларининг натижаси\*

Бошланғич амин	Унум, %	Реакция маҳсулот		
	н-декан (174°C)	T <sub>c</sub> , °C	R <sub>f</sub>	T <sub>p</sub> .
анилин	66	135-137	0,61	<b>57</b>
o-толуидин	62	133-135	0,43	<b>65</b>
m-толуидин	70	118-120	0,52	<b>58</b>
n-толуидин	76	160-162	0,56	<b>66</b>
o-анизидин	61	143-145	0,47	<b>67</b>
m-анизидин	63	126-128	0,48	<b>59</b>
n-анизидин	79	162-164	0,38	<b>68</b>
n-броманилин	60	170-172	0,40	<b>60</b>

\*Салицил кислота : амин : ортоборат кислота = 1:1,1:0,5; 7 соат.

2-Гидрокси-N-(m-толил)бензамиднинг (**58**) <sup>1</sup>H ЯМР спектри (400 МГц, CD<sub>3</sub>OD, δ, м.д., J/Гц): 7.89 (1H, дд, J = 8.2, 1.7, H-6), 7.41 (1H, к.с., H-2'), 7.39 (1H, к.д., J = 8.0, H-6'), 7.35 (1H, дд, J = 8.4, 7.3, 1.7, H-4), 7.17 (1H, т, J = 7.8, H-5'), 6.92 (1H, к.д., J = 7.5, H-4'), 6.90 (1H, т.д, J = 8.2, 1.2, H-5), 6.87 (1H, д, J = 7.2, H-3), 2.29 (3H, с, H-7'). <sup>13</sup>C ЯМР спектри (100 МГц, CD<sub>3</sub>OD, δ, м.д.): 118.13 (C-1), 160.49 (C-2), 118.37 (C-3), 134.97 (C-4), 120.46 (C-5), 129.86 (C-6), 168.81 (C-7), 139.08 (C-1'), 119.68 (C-2'), 139.84 (C-3'), 126.50 (C-4'), 129.71 (C-5'), 123.11 (C-6'), 21.54 (C-7').

Амидларнинг тузилишини ўрганиш, амид-имидол таутомерия

2-Гидрокси-N-m-толилацетамид (ГТА) молекуласи мисолида назарий ва экспериментал усуллар ёрдамида амид ҳосилаларнинг таутомерияси ўрганилди. РТТ ёрдамида ГТА нинг молекуляр ва кристалл тузилиши ҳамда молекулалараро водород боғи ҳисобига димер ҳолатида бўлиши, шунингдек ичкимолекуляр ва молекулалараро Н боғларнинг турли характеристикалари аниқланди. УБ-, ИҚ-, <sup>1</sup>H ЯМР спектроскопия усуллари ёрдамида молекуласининг тузилиши таҳлил қилинди.

Зичлик функционал назарияси (ЗФН) билан ВЗЛҮР/6-311G (d, p) усули ёрдамида ГТА нинг мумкин бўлган барча таутомер шакллари (4 та амид, 4 та имидол) ва уларнинг энергия фарқлари ҳисоблаб топилди. ГТА нинг димер формасида атомлардаги заряд тақсимоти, амид ва имидол шаклларнинг чегаравий МО лардаги заряд тақсимоти, электростатик потенциаллари ЭСП ҳисоблаб топилди ва экспериментал усуллардан олинган натижалар билан таққосланди. Натижалар кўрсатдики, ГТА нинг таутомер ва димер формаларининг квант кимёвий хоссалари ўхшаш, димер ҳолатидаги амидларда амид-имидол таутомерия кузатилмайди.

Синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллиги

Синтез қилинган баъзи амидлар ва тузларнинг патоген бактерияларга ва замбуруғларга қарши активлигини ўрганиш бўйича ўтказилган тестлар натижалари 2-гидрокси-N-(3-метилфенил)бензамид *Bacillus subtilis* грамм-мусбат бактерияларига қарши 8 (±0,2) мм соҳада, *Pseudomonas aeruginosa* грамм-манфий бактерияларга қарши 8 (±0,2) мм соҳада, *Candida albicans* патоген замбуруғига қарши 7 (±0,2) мм соҳада ва 4-бромфениламмоний 2-(карбоксиметокси)ацетат *Bacillus subtilis* грамм-мусбат бактерияларига

қарши 10 ( $\pm 0,2$ ) мм соҳада, *Staphylococcus aureus* грамм-мусбат бактерияларига қарши 6 ( $\pm 0,2$ ) мм соҳада, *Pseudomonas aeruginosa* грамм-манфий бактерияларига қарши 12 ( $\pm 0,2$ ) мм соҳада фаолликларни намоён қилишини кўрсатди.

Диссертациянинг “Гликол, дигликол, салицил кислоталарнинг тўртламчи аммоний тузлари ва амидларини олиш ҳамда уларнинг тузилишини таҳлил қилиш” деб номланган учинчи бобида фойдаланилган реактивлар ва тажрибалар берилган, тадқиқот ва кимёвий реакцияларни олиб бориш, маҳсулотлар тузилишини ўрганиш усуллари келтирилган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Гликол, дигликол ва салицил кислоталарнинг анилинлар билан тузларини синтез қилишнинг мақбул шароитлари топилди, натижада гликол ва салицил кислоталар 1:1, дигликол кислота 1:1 ва 1:2 моль нисбатда реакцияга киришиб тўртламчи аммоний тузларини ҳосил бўлиши кўрсатилди.

2. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, асослилиги паст бўлган аминларнинг кучсиз кислоталар билан N-протонланиши протонли органик эритувчиларда осон бориши аниқланди ва жараёнда эритувчининг таъсири схема орқали кўрсатилди.

3. Гликол, дигликол ва салицил кислоталарнинг алмашинган ариламидларини олиш жараёнида амидланиш реакциялари учун ортоборат ҳамда сирка кислоталарнинг каталитик фаоллик кўрсатиши аниқланди ва оралик босқичда катализаторнинг иштирокини ифодаловчи реакция механизми таклиф қилинди.

4. Биринчи марта салицил кислотани анилинлар билан амидлаш реакциясининг оралик маҳсулоти кристал ҳолатда ажратиб олиниб рентген тузилиш таҳлили асосида реакцияларнинг борли аммоний тузлари ҳосил бўлиши билан бориши кўрсатилди ва таҳлил натижаларига асосланиб реакцияларнинг механизми таклиф қилинди.

5. Илк мартаба амалий усуллар ва назарий ҳособлашларга таянган ҳолда димер ҳолатидаги амидлар молекуласининг амид-имидол таутомерия ҳолатида бўлмаслиги 2-гидрокси-N-м-толилацетамид мисолида кўрсатилди.

6. Синтез қилинган бирикмалардан 2-гидрокси-N-(3-метилфенил)-бензамид ва 4-бромфениламмоний 2-(карбоксиметокси)ацетатнинг *Bacillus subtilis* граммусбат, *Pseudomonas aeruginosa* граммманфий бактерияларга қарши бактерицидлик, шунингдек *Candida albicans* патоген замбуруғига қарши фунгицидлик фаолликларини намоён қилиши аниқланди.

7. 2-Гидрокси-N-(4-бромфенил)ацетамид ва 2-гидрокси-N-(3-метилфенил)бензамиднинг саноат қурилмаларида коррозияни келтириб чиқарувчи микроорганизмларга қарши фаолликни намоён қилиши аниқланди ва қўллаш учун тавсия қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019K.01.03  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**ХУРРАМОВ ЭЛЁР НАРЗУЛЛАЕВИЧ**

**ИЗУЧЕНИЕ РЕАКЦИЙ ЗАМЕЩЕННЫХ АНИЛИНОВ С  
ГЛИКОЛЕВОЙ, ДИГЛИКОЛЕВОЙ И САЛИЦИЛОВОЙ КИСЛОТАМИ**

**02.00.03-Органическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.4.PhD/K145**

Диссертация выполнена в Национальном Университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета [www.ik-kimyo.nuuz.uz](http://www.ik-kimyo.nuuz.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz).

**Научный руководитель:** **Абдушукуров Анвар Кабирович**  
доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Максумов Абдухамид Гафурович**  
доктор химических наук, профессор

**Матчанов Алимжон Давлатбоевич**  
доктор химических наук, старший научный сотрудник

**Ведущая организация:** **Ташкентский Фармацевтический институт**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ года в «\_\_» часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел: (998 71) 227-12-24; факс: (998 71) 246-53-21, 246-02-24. e-mail: [d.gafurova@nuu.uz](mailto:d.gafurova@nuu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана за №\_\_ (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел: (998 71) 227-12-24; факс: (998 71) 246-53-21, 246-02-24. e-mail: [chem0102@mail.ru](mailto:chem0102@mail.ru)).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ года.

(реестр протокол рассылки №\_\_ от \_\_\_\_ \_\_\_\_\_ года).

**З.А. Сманова**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.х.н., профессор

**Д.А. Гафурова**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.х.н.

**Т.С. Холиков**  
Заместитель председателя научного семинара  
при научном совете по присуждению учёных  
степеней, д.х.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день во всём мире замещенные алкил- и ариламидами различных карбоновых кислот составляют основу препаратов, применяемых в фармацевтике. На основе амидных производных карбоновых кислот созданы противовоспалительные, болеутоляющие, жаропонижающие лекарственные средства, а также препараты, необходимые в сельском хозяйстве. Создание аналогов этих препаратов и разработка расширенных методов их получения является актуальным в химической промышленности.

В мире ведутся исследования по разработке перспективных методик синтеза соединений, содержащих амидных связей, с использованием новых катализаторов, а также проводятся реакции по N-ацилированию алифатических, ароматических, гетероциклических первичных и вторичных аминов различными карбоновыми кислотами при участии металлооксидов, солей, металлокомплексных соединений, нанокатализаторов, азотных и фосфорных органических соединений, борных эфиров и биокатализаторов.

В последние годы в нашей стране в целях развития взаимосвязи науки и промышленности достигнуты важные результаты по получению природных и синтетических органических соединений и разработке импорт-замещающих продуктов на основе местного сырья. Данные поиски включают в себя исследования на основе амидов кислот и при этом уделяется особое внимание исследованию протонных солей аммония, образующихся на начальной стадии взаимодействия оксикарбоновых кислот с ароматическими аминами. Проведены исследования по разработке эффективных методов синтеза этих соединений, анализу их строения современными физико-химическими методами и нахождению условий их дегидратационного перехода в амиды. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи <sup>2</sup> «Широкое развитие фармацевтической промышленности, улучшение обеспеченности населения и медицинских учреждений доступными, качественными лекарственными средствами». В связи с этим большое значение имеют научно-практические исследования, направленные на синтез солей четвертичного аммония и ариламидов кислот на основе оксикарбоновых и ароматических аминов, определение их строения и специфических свойств, а также на создание биологически активных соединений с новыми фармакофорными группами.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 10 апреля 2019 года № УП-5707 «О дальнейших мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2019 – 2021 годах», Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 12 августа 2020 года №ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям «химия» и

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий дальнейшего развитию Республики Узбекистан».

«биология» от 6 ноября 2020 года №ПП-4884 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования и воспитания», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики.** Данное исследование проведено в области развития науки и технологии Республики VII. В соответствии с приоритетным направлением «Химическая технология и нанотехнологии».

